
Ўзбекистон туманида 4 та тажриба асосида аҳоли бандлигини таъминлаш, кичик бизнесга жалб қилиш бўйича Ўзбекистон тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Имомназаровнинг МУРОЖААТИ
Ассалому алайкум, ҳурматли тумандошлар!

Мухтарам Юртбошимиз томонидан яратиб берилган 4 та тажриба, яъни **Сайхунобод, Зарбдор, Уйчи ва Ғиждувон** тажрибалари янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳоли даромадини ошириш, томорқадан самарали фойдаланиш, маҳаллаларда драйвер лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва саноатни ривожлантиришда дастури амал бўлиб хизмат қилмоқда.

Жорий йил мобайнида **“Сайхунобод тажрибаси”** асосида 73 та маҳаллаларда жами **2190 та** микролойиҳалар (қиймати 115 млрд 37 млн.сўм) амалга оширишни режалаштирган эдик.

Амалда ўтган давр мобайнида **2021 та** лойиҳалар (қиймати 110 млрд 566 млн.сўм) **(92,3 %)** ишга туширилди.

Шундан **ноябр ойида 219 та** лойиҳаларни амалга ошириш белгиланган бўлиб, амалда **82 та** лойиҳалар ишга туширилди **(37,0 %)**.

“Зарбдор тажрибаси” асосида **23 та** маҳаллаларда саноат, савдо, хизмат ва замонавий агротехнологиялар соҳасида жами **23 та** лойиҳалар амалга ошириш режалаштирилган. Яратиладиган иш ўринлари сони **850 та**.

Амалда бугунги кун ҳолатига **16 та** лойиҳалар (қиймати 95,0 млрд.сўм) ишга туширилиб, **584 та** иш ўринлари яратилди.

Ўзбекистон туманида **“Ғиждувон тажрибаси”** асосида **10 та** маҳаллаларда “тепага ўсадиган” (вертикал) саноат бинолари ташкил қилиш, бино ва иншоотларларга эҳтиёжи юқори бўлган тадбиркорлар ишлаб чиқариш қувватларини кўчириш бўйича жами **150 та** лойиҳалар амалга ошириш режалаштирилган. Яратиладиган иш ўринлари сони **1314 та**.

Топшириққа асосан **29 та** лойиҳалар шакллантирилди. Иш ўринлари сони - **1314 та**. Амалда бугунги кун ҳолатига **24 та** лойиҳалар ишга туширилган. Иш ўринлари сони - **701 та**.

Аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича **“Уйчи тажрибаси”** асосида **июль-декабр (2-ярим йиллик)** ойлари мобайнида банк мижозлари билан **16 та** учрашувлар ўтказиш ва бунинг натижасида **2224 та** иш ўринлари яратиш белгиланган.

Амалда бугунги кун ҳолатига банклар томонидан **14 та** учрашувлар ўтказилиб, **1353 та** иш ўриналри яратилди **(59,0%)**.

Ноябр ойида **3 та** учрашув ташкил этилиб, **449 та** иш ўринлари яратиш белгилаб олинди.

2024-11-12 12:35:54